

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ РОЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-677-688>

Фарида Юлдашева

Андижон давлат университети
Фалсафа фанлари доктори, профессор

АННОТАЦИЯ

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида кечаётган ҳар қандай жараённинг марказида инсон туради. Модернизация жараёнларининг натижалари инсон ҳаёти ва турмуш даражасининг яхшиланишига қаратилган. Демак, инсон ижтимоий жараёнларнинг ҳам субъекти, ҳам объекти ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда айнан шахснинг маънавий такомиллашуви, фаоллашуви масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараён жамиятда демократлаштириш жараёни билан ёнма-ён бориб, унда шахс ижтимоий жараённинг воситаси сифатида эмас, мақсади ва мезони сифатида намоён бўлади.

***Калит сўзлар:** маънавият, маънавий янгиланиш, инсон, глобализация, таълим, маърифат, модернизация.*

ABSTRACT

At the heart of any process that takes place in the social life of society is the human being. The results of the modernization process are aimed at improving human life and living standards. Hence, man is both a subject and an object of social processes. As a result, today a lot of attention is paid to the issue of spiritual development and activation of the individual. This process goes hand in hand with the process of democratization in society, in which the individual is manifested not as a means of the social process, but as a goal and a criterion.

***Keywords:** spirituality, spiritual renewal, man, globalization, education, enlightenment, modernization.*

АННОТАЦИЯ

В основе любого процесса, происходящего в социальной жизни общества, лежит человек. Результаты модернизационного процесса направлены на улучшение жизни и уровня жизни человека. Следовательно, человек является одновременно субъектом и объектом социальных процессов. В результате

сегодня большое внимание уделяется вопросу духовного развития и активизации личности. Этот процесс идет рука об руку с процессом демократизации общества, в котором личность проявляется не как средство социального процесса, а как цель и критерий.

Ключевые слова: духовность, духовное обновление, человек, глобализация, образование, просвещение, модернизация.

КИРИШ

Ўзбекистонда демократик ислохотлар жараёни жадал суръатлар билан амалга ошмоқда. Бу жараённинг самарали бўлишида фақат давлат раҳбари ва давлатнинг ташаббуси, қабул қилинган фармонлар ва қарорларнинг ўзи камлик қилади. Бугунги уйғониш даврида жамият аъзоларининг фаоллиги, меҳнатга муносабати, касб маҳорати, креативлиги ва ташаббускорлиги, инновацияларга интилиши, ахлоқий ва интеллектуаллик даражаси каби хусусиятларнинг инсон фаолиятида акс этиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг натижалари шахс омилига боғлиқ. Шахс омили жамиятда бўлиб ўтаётган жараёнларнинг марказида бўлади. Шахс омили орқали жамият тараққий этган. Шахс янгиланиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи омилидир. ”Фуқаролик жамияти ривожига иқтисодий омилнинг ўзи камлик қилади, албатта. Бу соҳадаги яна бир зарурат - инсон омилидир. Олий жамият куриш учун инсон, энг аввало, эҳтиёжларини чуқур англамоғи ва уларни жамиятда эркин рўёбга чиқариш масаласини эгалламоғи лозим. Зеро, бундай жамият инсон эҳтиёжининг барча даврлардагидан ортиши ва уларни рўёбга чиқаришга “чанқоқ”лик ҳам беҳад кучайишига асосланади. Албатта, бунда субъектив омил билан бирга объектив омил, яъни инсон эҳтиёжлари қондирилиши учун имконият яратиш ҳам ниҳоятда муҳим”[1.10].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маънавий янгиланиш жараёнида жамият олдида турган муаммолардан бири бу инсон омилининг ўзини, мавжуд потенциални ҳар томонлама намоён эта олиши учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишдан иборат. Бу ерда шахснинг онги, дунёқараши ва маънавиятининг амалга оширилаётган ислохотларга муносабати, долзарб муаммоларни англаб етиши, жамият ва шахсий эҳтиёжларини тўғри англаши, масъулиятни сеза билиш қобилияти каби

омиллар жамиятнинг келажаги ва тараққиётини бевосита белгилаб бериши мумкин.

Демократик ислохотларнинг амалга оширилиши шахс мақсадларининг рўёбга чиқиши ва эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятлар яратди. Бундай имкониятлар жамият аъзоларидан зарур ахлоқий, илмий-маънавий даража ва салоҳиятга эга бўлишни талаб этади. Булар етарли даражада билимга эга бўлиш, профессионализм (малакалилик), ижтимоий фаоллик, кенг дунёқараш, бир сўз билан айтганда, юксак маънавият учун замин ва имконият яратувчи асосий омиллардир.

Инсон омили унинг жамиятдаги позицияси, табиий-ижтимоий муҳитга, унда бажарилаётган ишларга муносабатини ифода этса, салоҳияти унинг бу соҳадаги фаолиятини амалга оширишнинг шarti ҳисобланади. Модернизация жараёнларини амалга оширишда жамият аъзоларининг интеллектуал ва маънавий салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Салоҳият масаласи ҳозирда долзарб мавзуга айланди, у тадқиқотчилар томонидан кўп тилга олинди бежиз эмас. Турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда жамиятнинг келажаги инсон позицияси, дунёқараш, қадриятли танлови, интеллектуаллик даражаси, касб маҳорати, билими - салоҳиятига боғлиқ. Жамиятда инсон салоҳиятини аниқлаш, уни юзага чиқариш ва ишга солиш учун шароит ва имкониятлар яратиш муҳим аҳамиятга эга экан. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократлаштириш даражасини юксалтириб бориш вазифаси иқтисодий омилларгагина эмас, балки жамият интеллектуал кучларининг фаоллиги, билим даражаси, ўрнатилган бўла олинди ва маънавий юксалишига ҳам боғлиқ.

Инсон салоҳиятини унинг интеллектуал ва маданий-маънавий салоҳияти ташкил этади. Шахснинг интеллектуал салоҳияти унинг илмий, маънавий, мафкуравий салоҳиятига асосланади. Интеллектуал салоҳият модернизация ва маънавий янгиланиш даврида муҳим омил бўлиб, шахс маънавий юксалиши ҳамда жамият тараққиётини таъминлайди.

Инсон салоҳиятининг муҳим шакли – маънавий салоҳият бўлиб, у маънавий янгиланиш жараёнининг муҳим омили ҳисобланади. Маънавий салоҳият инсон салоҳиятининг шаклини англатиб, у инсоннинг ахлоқи, дунёқараш, маънавий қадриятлари, маънавий танлови ва идеаллари, ҳаётга муносабати асосида шакллланган ҳодиса сифатида инсон фаолиятнинг самарасини таъминлайди.

Маънавий салоҳият асосида маънавий етуклик шаклланади. Маънавий етуклик инсонда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш билан боғлиқ. Маънавий

етуклик инсон ахлоқининг жамиятда белгиланган ахлоқий қоидаларга, ахлоқий онги жамият ижтимоий онгининг ахлоқий шаклига мос тушишини англатади. Бу ҳолат инсон маънавиятининг жамият талаблари асосида шаклланишига таъсир этади. Миллий тарихий қадриятларни замонавий қадриятлар билан уйғунлашуви асосида шахсни креатив, коммуникатив, фаол, юқори ахборот маданиятига эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш демократик ислоҳотларнинг жадаллашуви ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР

Инсон омили масаласи унинг салоҳиятини тўғри йўналтиришга боғлиқ. Бу вазифани “Ёшларга оид давлат дастури”да белгиланган вазифаларни бажариш билан қўшиб олиб бориш самарали бўлиши мумкин. Бунинг учун ёшлар орасидан талантили, билимга чанқоқ, интеллектуал ва маданий-маънавий салоҳиятли фаол етакчиларни излаб топиб тарбиялаш, уларнинг атрофида ислоҳотларни ва инновацион жараёнларни амалга оширувчи ядросини шакллантириш зарур. Креативлик, яъни яратувчилик, ташаббускорлик, ижодий ёндашувчанлик хислатларига эга бўлган замонавий миллий кадрларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш ва улар илгари сураётган инновацион ғоялар мамлакатимизни модернизация қилишда муҳим роль ўйнайди. Креатив фикрлайдиган миллий кадрларни тарбиялаб етиштириш таълим-тарбиянинг муҳим таркибий қисми бўлмоғи лозим[2.43].

Янгиланиш жараёнлари шахсдан янгича ёндашув, янгича фикрлашни, шахс онги ва тафаккурининг ҳам янгиланишини тақозо этади. Ҳар қандай прогрессив ташаббус кўпчилик томонидан қўллаб-қувватлангандагина, у амалиётга айланади. Бу соҳада, айниқса, раҳбарнинг ўрни ва тутган йўли муҳим бўлиб, унинг хатти-ҳаракатлари ва фаолияти у раҳбарлик қилаётган жамоа ёки йўналишнинг ҳам фаолиятини белгилайди. Раҳбар дунёқараши, юксак ахлоқ, эркин ва чуқур фикрлаш, янгича тафаккурга асосланиши талаб этилади. “Бугун бизга масъулиятни дадил зиммасига оладиган, билимли, дунёқараши кенг, маданиятли, ҳуқуқий онги кучли, қатъиятли, бир сўз билан айтганда, замонавий раҳбарлар керак. Барча жабҳаларда шиддатли рақобат кечаётган ҳозирги даврда раҳбарлар зиммасидаги масъулият ва уларга қўйилаётган талаблар кучаймоқда. Турли бўғиндаги раҳбарлар нафақат етакчилик қобилияти, одоб-ахлоқи ва муомала маданияти билан ҳам ўрнатилган бўлиши лозим. Зеро, муомала одоб-ахлоқ маданиятимизнинг муҳим мезонларидандир”[3].

Ўзбекистонда янгиланиш жараёнини ҳаракатлантирувчи кучларнинг ягона манфаатлар асосида консолидациясини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиётига хизмат қиладиган ҳар қандай ташаббуслари ва хатти-ҳаракатларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши юқори натижа бериши мумкин. Бундай ёндашув жамиятнинг ижтимоий фаолиятга тортилмаган аъзоларини, уюлмаган ёшларни, ишсизларни ҳам етакчилар ортидан боришига таъсир этади. Бу нуқтаи назардан маҳаллий миллий иқтисодни ривожлантириш ва ёшларнинг маҳаллий ҳудудга боғлиқлиги ҳиссини кучайтириш уларнинг тарихий онги билан бир қаторда маънавиятини ҳам сақлаб қолишга хизмат қилади. Чунки кўчманчи маданият ва маънавиятда тарихий онг йўқ. Кўчманчилик ҳаёт тарзи билан кун кечирадиганлар маълум ҳудудга, унинг табиати ва кадриятларига тегишлилик ва уларга содиқликни ҳис қилмайдилар. Маънавиятга асосланган ижтимоийлик шахсан ватанга боғлиқлик ва ўтроқликни, яшаётган ижтимоий-маънавий маконини ўзлаштириш ва тараққий эттиришда иштирок этишни тақозо этади.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизда изчил, мақсадга йўналтирилган ёшлар сиёсати олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши асосида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизнинг ёшлар учун жозибadorлигини ошириш ва уларни ўз фаолиятини асосан маҳаллий ҳудудда амалга оширишларига туртки бўлади. Бу борада “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, “Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи”нинг ташкил этилиши, “Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциацияси”нинг тузилиши ёшларнинг мамлакат тараққиёти йўлидаги интилишларини, фаолиятини тўғри йўналтиришда, ёшларнинг улкан армияси фаолиятининг тўғри ташкил этилишида муҳим роль ўйнайди. Бу масала давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилди: “Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат”[4.79].

Ёшлар сиёсати доирасида амалга ошириладиган ишлар изчил режа асосида бориши ва аниқ мақсадга йўналтириши борасида анчагина ишлар бажарилгани маълум. Бундан ташқари жамиятда ташаббускор, фаол ёшларнинг бирлашиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашишлари, бир-бирининг фаоллигини қувватлаши муҳим. Етакчи, ташаббускорлик хислатларига эга бўлган фаол ёшлардан бошқаларнинг ҳам фаолиятини ташкил этувчи ядросини шакллантириш яхши самара бериши мумкин. Мазкур ядронинг салоҳиятини, яшириниб ётган қобилиятини юзага чиқариш ва ишга солиш учун имкониятлар яратиб бериш, бу соҳадаги ёшларнинг интилишлари ва ҳаракатларини тўғри йўналтириш зиёлиларнинг вазифасидир. Чунки ёшларда эндигина шаклланиб келаётган фаолликни тўғри йўналтириш орқали жамиятда фаоллик позицияси муҳитини шакллантириш мумкин. Бундай муҳит кўпчилиكنинг онгида акс этадиган бефарқлик, ўзибўларчилик хусусиятларининг камайишига олиб келади.

А.Саидов бу борада ёшларнинг келажакда маъсулиятли бўлиши ҳамда ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қила олиши масаласига эътибор қаратади: “Бирорта давлат ёш авлодни ижтимоий ва касбий фаолиятга, давлат ишларида иштирок этиш ва уларни бошқаришга тайёрлашнинг аниқ ва чуқур ўйланган дастурисиз тараққий эта олмайди ... Бугун ёшларга ўзини реализация қилиши, касбий ва ижодий ўсиши учун имкониятлар яратиб бериш зарур. Ёшларнинг жамият учун тўла масъулиятни ўзларига олишлари учун қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим: ёшларнинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш; таълим; бандлик; ижтимоий ҳимоя; ижтимоий ҳаётда иштирок этиши”[5.15]. Бу борада таълим ва билимнинг мавқеини ошириш, миллий маънавий ва илғор глобал, демократик кадриятларни ёшлар томонидан яхши ўзлаштирилишига имкон яратиб беришни ва уларни мустақил фикрлашга ўргатишни талаб этади.

Ёшлар қатламида уюлмаган ёшлар алоҳида ўрин тутади ва улар кўпчилиكنи ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини уқтиради: “Аммо очик тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган ишларимиз ҳали етарли даражада эмас. Шунинг учун биз ёшларимиз, айниқса, уюлмаган ёшлар билан ишлашга жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Биз улар билан кўпроқ гаплашишимиз, қалбига қулоқ солишимиз, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз, энг асосийси, азиз Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, ёшларга йўлни кенг очиб беришимиз керак ... тадбиркорликка

йўл очиш - аввало, ёшларга кенг йўл очиб беришдир, десак, айна ҳақиқат бўлади”[6.103].

Маънавий янгиланишнинг омилларидан бири иқтисодий омил эканлиги айтилди. Бу омилнинг юзага чиқиши инсон салоҳияти билан боғлиқ. Маънавий янгиланишни амалга оширувчи субъектларнинг илмий-маънавий салоҳияти тараққиёт талаблари ва жамият манфаатлари асосида янгиланиб туриши зарур. Инсон салоҳиятнинг янгиланиши унинг асосини ташкил этувчи инсон капиталига боғлиқ. Инсон капиталининг ортиб бориши давр талаблари ва инсон эҳтиёжлари остида жамият олдида юзага келаётган вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Инсон капиталига унинг қобилияти, билими, салоҳияти киради. Инсон омили аҳамиятининг ортиб бориши унинг капиталини шакллантириш масаласини долзарб қилиб қўяди.

Модернизация ва инновация натижасида фан ва янги технологиялар тараққиёти, инновацион муҳитнинг юзага келиши инсон капиталини шакллантириш ва унинг салоҳиятини юзага чиқаришга катта имкониятлар яратади. Россиялик тадқиқотчи И.З. Герафиев инсон капиталини тараққий эттиришни ижтимоий тараққиётнинг шаклларида бири, деб билади. У инсон капиталини унга мунтазам равишда янги билим ва кўникмалар сифатида киритилиб бориладиган инвестиция сифатида таъкидлайди. Инсонга киритилган махсус билимлар сифатидаги инвестициялар бозор иқтисодиёти томонидан талаб этиладиган инновацион капитал ҳисобланиб, инсонга ҳаётининг шарт-шароитларини яхшилашга ва имкониятларини кенгайтириб боришга имкон беради. Бундай капитал доим долзарб бўлиб, унга ҳамма вақт ҳам ижтимоий буюртма мавжуд бўлади. Инсоннинг юқори билими ва илмий-маънавий кўникмалари инсон капиталининг асоси бўлиб, бундай капитал жамият томонидан юқори баҳоланади[7.4].

Гап шунчаки инсон капитали ҳақида эмас, юқори сифатга эга бўлган инсон капитали ҳақида борапти. Бундай капитал инсоннинг олий қадрият сифатидаги моҳиятини ифода этади. Бу қадриятни сақлаб қолиш, уни ҳар томонлама кўпайтириб бориш ва тўғри реализация қилиш инсонга сарф этиладиган инвестиция ҳисобланади. Бу фикрни иқтисодчи олим М.Ахунов ҳам таъкидлайди: “Шу маънода инсон капитали инсонга келажакда катта натижалар ва фойда олиш мақсадида сихат-саломатлиги, таълим ва тарбия олиши, касб-хунарга эга бўлиши ва иш билан таъминланиши, қобилият ва салоҳиятини ривожлантириши учун сарфланадиган харажатлар – инвестициялардир”[8.52].

Давлат фаолияти жамият аъзоларининг фаолияти асосида амалга ошади. Субъектлар фаолиятининг моҳияти, бу жараёнда уларнинг фаоллиги давлат томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилишини белгилайди. Давлат қабул қилган қарорлар ва бошқа кўрсатмаларнинг муҳим ва долзарблигини, жамият эҳтиёжларига мос тушишини субъектлар томонидан тўғри англаб етишиши, қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, субъектив омилнинг фаоллигига таъсир этади ҳамда уларда масъулият ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Дахлдорлик эса унинг салоҳиятини ишга солишига туртки бўлади. Бундан келиб чиқиб, жамият аъзолари, айниқса, ёшларда фаол ҳаётий позицияни, англаган эҳтиёжларни шакллантириш ва бу эҳтиёжларни ватанимиз эҳтиёжларига мослаштириш, улар ҳаётининг яхшиланишига ва бу орқали ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг, бозор муносабатларини шакллантириш натижаларининг самарадорлиги кишилар тафаккурининг ўзгариши, унда жамият эҳтиёжлари ва давр руҳини ақс эттирувчи инновацион кадриятларнинг ақс этиши билан ҳам боғлиқ. “Тафаккур ўзгариши жамият ҳаёти учун муҳим бўлган иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш, мулкнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаш ва уларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, демократик бозор ислохотларини амалга ошириш билан чамбарчарс боғлиқ жараён ҳамдир”[9;5]. Ҳозирда кадрларнинг инновацион салоҳиятига қўйилаётган талабларнинг бажарилиши ҳам маънавий янгиланишга хизмат қилади.

Ғарб мамлакатларида демократик жамиятнинг шаклланишида “фуқароларнинг масъулиятни ҳис қилиши” жамиятнинг мўътадиллигини таъминлайди. Бу нарса шунчаки маъсулиятни ҳис қилиш сифатида эмас, қуйидаги гуманистик омиллар орқали намоён бўлиши муҳим: инсоний муносабатларни сақлаб қолиш; ижтимоий ҳамкорликни таъсис этиш; барқарор ривожланишни йўлга қўйиш[10.80]. Қонун устуворлиги, ижтимоий масъулият Ғарб маънавиятида етакчи унсур ҳисобланади. Ғарб менталитети ҳам шунга асосланган. Бундан фарқ қилган ҳолда, Шарқ маънавиятида ахлоқ, дин, жамоавийликка асосланган инсоний муносабатлар етакчи ўринда туради. Бу ҳолат маънавий янгиланиш жараёнида жамиятда юз бераётган ҳодисаларга нисбатан инсонда дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга таъсир этади. Кишиларда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш орқали уларнинг фаоллигини таъминлаш маънавий янгиланиш жараёнида жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий янгиланишнинг эҳтиёжи – фаол ва креатив, ижодий ҳамда инновацион шахсдир. “Жамиятда янги ижтимоий буюртма пайдо бўлди: барча топшириқларни сўзсиз бажарувчилар ўрнига турли вазиятларда тез йўл топа оладиган, юзага келган муаммоларни ижодий ҳал этиб, тушунарли қарор қабул қилиб, унинг масъулиятини оладиган, ижодий ва мослашувчан ақлга эга бўлган, янгиликни ҳис этадиган, танлов имкониятига эга бўлган, ижтимоий ислохотларда фаол иштирок этадиган кишилар талаб этилмоқда”[11;132]. Америкалик олим Алекс Инкелес бундай кишиларнинг хусусиятлари янгиланиш жараёнларини қабул қилаётган ва уларда ўзининг ўзгаришларга очиклиги, дунёқарашини ўзгартиришдан қўрқмаслиги, фикрлар хилма-хиллигини тан олиши, ҳозирги давргагина эмас, келажакка йўналганлиги, ўзига қаттиқ ишонч ва тўсиқларни енгиб ўтишга ҳаракат қилиш кабилардан иборат бўлади, деб таъкидлайди[12]. Бу борада мамлакатимизда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, муҳокама этилаётганлиги жамият аъзоларининг фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тараққиётнинг жадал суръатлари ҳамда инновацияларнинг ижтимоий феноменга айланиб бориши жамиятнинг инновацион хусусият касб этиб боришини ҳам белгиламоқда. Бу соҳада Ўзбекистон ва хориж олимлари томонидан кўплаб назариялар яратилди: инновацион жамият, инновацион шахс, инновацион фаолият, инновацион онг, креатив гуруҳлар ва бошқалар ўрганилди[13].

Россиялик тадқиқотчи О.В. Щупленковнинг фикрича, инновациялар тараққиёти инновацион шахсни шакллантиришни тақозо этади, унинг янги хусусиятлари янгича кадриятлар, маданият, ахлоқ, маънавиятга асосланади. Лекин инновацион шахс анъанавий ахлоқ, маданият ва маънавиятни ҳам сақлаб қолиши зарур. Бу вазифани таълим тизими бажаради. Бундай шахс тараққиёт омили, унинг “ахборот юки” улкан, тинмай ошиб боради. У янгиликлар асосида инқилобларни амалга оширади[14].

ХУЛОСА

Маънавий салоҳият инсон салоҳиятининг муҳим элементи эканлиги юқорида айтилди. Модернизация жараёнида инсоннинг интеллектуал, илмий салоҳияти билан бир қаторда маънавий салоҳиятининг ҳар қандай кўринишидан фойдаланиш зарур. Ўрта Осиёда доим ҳам маънавий салоҳият шахсининг моҳиятини ифода этган. Юксак ахлоқ, қонун билан мустақкамланган

эркинлик, билимлилик, профессионализм, талант, жавобгарлик, масъулият, фаоллик каби маънавий фазилатлар шахс маънавий салоҳиятини белгиловчи омиллар бўлиб, жамият тараққиёти уларга боғлиқ. Чунки маънавияти юқори бўлган шахс бошқа соҳада ҳам фаолиятини маънавий салоҳияти асосида ташкил этади.

Иқтисодий жиҳатдан кучли давлатларда инсоннинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти тараққиётнинг омилига айланди. Бундай давлатларнинг изидан бориб, интеллектуал ва маънавий салоҳият омилининг муҳимлигига эътибор қаратиш ва унинг юзага чиқишини таъминлаш мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Чунки бу соҳада рақобатнинг кучайиб бориши жамиятдан шахс салоҳияти масаласига жиддий ёндашувни талаб этади. Иқтисодий ва сиёсий соҳадагина эмас, бугунги кунда интеллектуал соҳада ҳам рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ҳозир давлатлар олдида интеллектуал салоҳият борасида орқада қолиб кетмаслик муаммоси турибди. Бундай буён айниқса, глобаллашув шароитида тараққиёт суръатлари тобора жадаллашиб бораётган бир даврда миллатимиз келажагини иқтисодий салоҳиятгина эмас, интеллектуал салоҳият ҳам белгилаши аниқ.

Ўзбекистонда Инновацион Ривожланиш вазирлиги ташкил этилганлиги муҳим амалий аҳамиятга эга. Вазирлик жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш ва модернизация жараёнларини ягона тизимга бирлаштиришни, инновация соҳасидаги ҳаракатларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масалаларини ҳал этади. Мазкур жараёнларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, уларни тизимли бошқариш вазифалари ҳам мазкур вазирликка юкланган. Вазирликни ташкил этишдан мақсад жамиятда мавжуд технологик, илмий ва интеллектуал салоҳиятни юзага чиқариш ва ундан фойдаланиш, янгиланиш ва инновациялар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат[15].

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида кечаётган ҳар қандай жараённинг марказида инсон туради. Модернизация жараёнларининг натижалари инсон ҳаёти ва турмуш даражасининг яхшиланишига қаратилган. Демак, инсон ижтимоий жараёнларнинг ҳам субъекти, ҳам объекти ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда айнан шахснинг маънавий такомиллашуви, фаоллашуви масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараён жамиятда демократлаштириш жараёни билан ёнма-ён бориб, унда шахс ижтимоий жараённинг воситаси сифатида эмас, мақсади ва мезони сифатида намоён бўлади. Бунда савол туғилиши табиий. Яъни “Шахс ўз имкониятини тўлиқ

рўёбга чиқара олиши учун жамиятнинг ижтимоий тузилмаси қандай бўлиши керак?” Жавоб қуйидагича: бунда демократик норма ва қадриятларнинг мавжуд бўлиши ҳамда фуқаролик жамиятининг фаолият кўрсатиши ўзига хос мезон ҳисобланади. Мукамал демократик ва фуқаровий тузилмалар – шахс камол топиши ва юксалишининг зарур шартидир[16;7-8]. Жамиятнинг маънавий янгиланиш жараёни инсон омилини юзага чиқаришга, унинг салоҳиятини ишга солишга улкан имкониятлар яратади.

REFERENCES

1. Қирғизбоев М. Элни суяганни эл ҳам суяйди. Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев билан суҳбат. //Тафаккур.-Тошкент, 2017.№ 1.-Б.10.
2. Юнусов К. Мамлакатимизнинг модернизациялашуви жараёнида жамиятни креатив бошқаришни тадқиқ этиш муаммолари.//Илмӣ хабарнома.-Андижон. 2016. №3.-Б.43.
3. Ўқиган ўқдан ўзар. С.ф.д., проф.Алишер Файзуллаев билан суҳбат.// Тафаккур. -Тошкент, 2018. №1.-Б.8.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь.-Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, НМИУ, 2018.-Б.79.
5. Саидов А.Конституционное регулирование прав молодежи в Узбекистане.//Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-Тошкент, 2014. № 4.-С.15.
6. Мирзиёев Ш. Гўзал ва бетакрор ўлка. (Наманган вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ) Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз.-Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 2017.- Б.103.
7. Гарафиев И.З.Инновационный человеческий капитал в регионе (социологический анализ). Автореферат дисс. на соискание степени кандидата соц.наук. Пенза, 2013.-С.4.
8. Ахунов, М.А. (2021). Инсон омили-ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи ва бош мақсади.//Илмӣ хабарнома. Андижон. АДУ, № 1.-Б.52.
9. Назаров Қ. Дунёқараш ва тафаккуримизни ўзгартираётган маънавий мезонлар.// Ўзбекистон демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Тошкент: АКАДЕМИYA, 2012.-Б.5.
10. Йонас Г. Принцип ответственности.-Москва: Пионер, 2000.-С.80.

11. Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение». // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Самара. Т. 12. 2010. № 5. -С.132.
12. Инкелес Алекс. <https://studopedia.org/6-74263.html>.
13. Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение». // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. Т.12. 2010. № 5; Щупленков О.В., Щупленков Н.О. Проблема формирования инновационной личности в современном обществе//Психология и психотехника. -2013.-№ 8; Гимуш Р.И., Матмуродов Р.М. Инновацион менеджмент. –Тошкент, 2008; Мавлонова Р., Рахмонкулова Н. Бошланғич таълим педагогикаси. Инновация ва интеграция. –Тошкент: Voris-nachriet”, 2012; Бегматов А. Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари.-Тошкент, 2016. Карпова Ю.А. Введение в социологию инноватики. Учебное пособие.-СПб.: Питер, 2004.
14. Щупленьков О.В. Проблема формирования инновационной личности в современном обществе. Психология и психотехника. -Москва, 2013. № 8. -С.21.
15. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Prezident.uz
16. Саидов А. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш– Ўзбекистон буюк келажакнинг пойдевори. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-Тошкент:2015.№ 3.-Б.7-8.
17. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., & Tolibov, A. (2020). Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology.